

---

## “Махсус поликлиника” фаолияти ҳам ўрганилди

Коронавирус инфекциясига гумон қилинган шахслар ҳамда ушбу инфекция тасдиқланган беморларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш ва уларни амбулатор даволашга ихтисослашган “Махсус поликлиника” туманда ташкил этилганлиги ҳақида аввал [маълум қилган эдик](#).

Ўзбекистон тумани ҳокими Қ.Джураев ва туман ИИБ бошлиғи Б.Нажмиддиновлар бугун мазкур поликлиникада ҳам бўлиб, аҳолига қулайлик яратиш, уларга малакали тиббий ёрдамни ўз вақтида кўрсатишни таъминлаш шароитлари билан танишди.

Поликлиниканинг дори-дармон ва тиббий ашёлар захираси ўрганилди.

Шифокорлар билан суҳбатда авваламбор бу ерга ташриф буюраётган аҳоли вакилларига хушфеъллик ва ширинсўзлик билан муомала қилиш тиббиёт ходимларининг асосий касбий бурчларидан эканлигини яна бир бор уқтириб ўтилди.

Ишни тўғри ташкил этиш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида ҳар қандай амалий ёрдам зарурати туғилганда, сектор раҳбарлари томонидан барчаси ижобий ҳал этилишини маълум қилинди.

????????? ?????? ?????????? ??????? ???????

2020-10-18 00:41:23